

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*60711100 – Энергия машинасозлиги (ички ёнув двигателлари) бакалавриат*  
*таълим йўналишининг малака талаблари*

Тошкент-2021



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети;
- “UzAuto Motors Powertrain” АЖ.

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «26» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруги билан тасдиқланган.

## **ЖОРӢӢ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишилидир.

## МУНДАРИЖА

|            |   |            |
|------------|---|------------|
| <b>Т/р</b> |   | <b>бет</b> |
| 1.         | <i>60711100 – Энергия машинасозлиги (ички ёнув двигателлари) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи .....</i>                                       | 4          |
| 1.1.       | Кўлланиш соҳаси .....   | 4          |
| 1.1.1.     | <i>60711100 – Энергия машинасозлиги (ички ёнув двигателлари) таълим йўналиши Малака талабининг кўлланиши .....</i>  | 4          |
| 1.1.2.     | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....   | 4          |
| 1.2.       | <i>60711100 – Энергия машинасозлиги (ички ёнув двигателлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....</i>                    | 4          |
| 1.2.1.     | <i>60711100 – Энергия машинасозлиги (ички ёнув двигателлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари .....</i>                   | 4          |
| 1.2.2.     | <i>60711100 – Энергия машинасозлиги (ички ёнув двигателлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари .....</i>                 | 4          |
| 1.2.3.     | <i>60711100 – Энергия машинасозлиги (ички ёнув двигателлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари .....</i>                    | 5          |
| 1.2.4.     | <i>60711100 – Энергия машинасозлиги (ички ёнув двигателлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари .....</i>                             | 5          |
| 2.         | <i>60711100 – Энергия машинасозлиги (ички ёнув двигателлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар .....</i> | 7          |
| 2.1.       | Умумий компетенциялар.....  | 7          |
| 2.2.       | Касбий компетенциялар.....  | 7          |
|            | Библиографик маълумотлар.....   | 9          |
|            | Келишув вараги .....  | 10         |

## **1. 60711100 – Энергия машинасозлиги (ички ёнув двигателлари) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**60711100 – Энергия машинасозлиги (ички ёнув двигателлари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки, сиртқи ва масофвий таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Бакалавриат дастурининг таълим шаклларига кўра ўқишини меъёрий муддатлари кундузги таълимда 4 йил, кечки таълимда 4,5 йил, сиртқи таълимда 5 йил ва масофвий таълимда 5 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси.**

#### **1.1.1. 60711100 – Энергия машинасозлиги (ички ёнув двигателлари) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.**

Малака талаби **60711100 – Энергия машинасозлиги (ички ёнув двигателлари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўкув режа ва ўкув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасасининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўкув режаси ва ўкув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим муассасасининг талабалари;

- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим муассасаларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим муассасаларига ўқишига кираётган абитуриентлар, уларнинг отоналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

#### **1.2. 60711100 – Энергия машинасозлиги (ички ёнув двигателлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

##### **1.2.1. 60711100 – Энергия машинасозлиги (ички ёнув двигателлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.**

**60711100 – Энергия машинасозлиги (ички ёнув двигателлари)** – “Муҳандислик иши” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, у ички ёнув двигателларидаги ишчи жараёнлар назариясини ўзлаштириш ва тадқиқот қилиш, ички ёнув двигателларини лойиҳалаш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни диагностика қилиш, синаш ва эксплуатация қилиш ҳамда улардан фойдаланишга, соҳа истиқболини белгилашга, касбий кўнимка, мутасаддилек қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ комплекс масалалар билан боғлиқ касбий соҳалар мажмуасини қамраб олади.

##### **1.2.2. 60711100 – Энергия машинасозлиги (ички ёнув двигателлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:**

- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар ( фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;

- ишлаб чиқариш корхоналарида ички ёнув двигателларини ишлаб чиқариш,

фойдаланиш ва технологик ҳамда уларни ишлатишнинг самарали жараёнлари;

- соҳага тегишли илмий тадқиқот ва лойиҳалаш конструкторлик ишлари;
- ички ёнув двигателлари ва уларнинг конструкциялари;
- илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятини техникавий таъминлаш воситалари;
- ички ёнув двигателларига оид профессионал таълим муассасалари (касб-хунар мактаблари, коллажлар ва техникумлар) ва ўкув марказларидағи ўкув-тарбия жараёни.

**1.2.3. 60711100 – Энергия машинасозлиги (ички ёнув двигателлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- лойиҳавий-конструкторлик фаолияти;
- ишлаб чиқариш-технологик фаолият;
- йифиши-созлаш ишлари фаолияти;
- фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатиш фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият.

**1.2.4. 60711100 – Энергия машинасозлиги (ички ёнув двигателлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

60711100 – Энергия машинасозлиги (ички ёнув двигателлари) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

**Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:**

- ички ёнув двигателлари ва уларнинг қисмлари, деталлари ва йигма бирликларининг лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;
- лойиҳавий ва дастурий хужжатларни ишлаб чиқиш;
- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равища қўллаш.

**Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятда:**

- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва мухитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш.

**Йифиши-созлаш ишлари фаолиятида:**

- ички ёнув двигателларини монтаж қилиш ҳамда созлаш бўйича ишларни режалаштириш ва бажариш.

**Фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатиш фаолиятида:**

- ички ёнув двигателларидан фойдаланиш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш;
- ички ёнув двигателларига техник хизмат кўрсатиш намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- ички ёнув двигателларини синаш ва диагностика қилиш ҳамда уларни ишлатиш.

**Ташкилий-бошқарув фаолиятда:**

- конструкторлик бюроси, йигув ва синов цехида уста, катта уста, ишлаб чиқариш механизги ва б.;
- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш.

- муҳандислик ва конструкторлик ёчимларини амалиётта татбиқ қилиш;

- ишлаб чиқариш жараённида сифатни бошқариш;

- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

- бирламчи конструкторлик, технологик ёки ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-мухит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш.

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- замонавий методлар ва воситалардан фойдаланиб фаолият обьектлари ҳолатини таҳлил қилишда иштирок этиш;

- муҳандислик иши соҳасидаги обьектлар, жараёнлар, тизимлар, жиҳозлар ва техник воситаларни лойиҳалаш, ишлаб чиқиш, синаш ва улардан самарали фойдаланишда иштирок этиш;

- самарасиз вакт, меҳнат ва моддий ресурсларни камайтириш, рационал технологик жараёнларни танлаш бўйича тадқиқотларни ўтказишда қатнашиш;

- муҳандислик иши таълим соҳасидаги маҳсус адабиётлар, илмий-техникавий маълумотлар, чет элда ва республикамида эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;

- таҳлил, ҳисботлар ва илмий публикацияларни тузиш учун маълумотларни тайёрлаш;

- мавзу (топшириқ) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётта татбиқ этишда қатнашиш;

- патент тадқиқотларини ўтказиш қоидаларидан фойдаланиш, ишлаб чиқилаётган техник обьектларни патентга яроқлилигини аниқлашда улардан фойдалана олиш, ақлий мулк обьектларини ва тадқиқот натижаларини ҳимоя қила олиш.

#### **Ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолиятда:**

- ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасаларида ва техникумларда мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш;

- ўқув фанларини ўқитиш услубиятини эгаллаш;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур ўқув-услубий ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

- ўқитилаётган фан бўйича амалий ва лаборатория машғулотларни ўтказиш учун ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиш;

- мустақил таълим ва ижодий қидирав натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги услублар, воситалар ва шакллар тизимида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириш.

## **2. 60711100 – Энергия машинасозлиги (ички ёнув двигателлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида кўллай билиши, ахборотларни йигиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усусларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлапи ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-хукукий хужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ички ёнув двигателлари механизмлари ва тизимларининг қисмлари, деталлари ва йигма бирликлари лойиҳасини тизимли ёndoшув асосида автоматлаштирилган равища ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилишни билиш;
- лойиҳавий ва дастурий хужжатларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ички ёнув двигателларининг ишчи параметрларини аниқлаш бўйича синовларни ўтказиш кўникмаларига эга бўлиш;
- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равища кўллаш қобилиятларини ўзлаштиришни билиш;
- механизмларни оптимал параметрларини аниқлаш; конкрет механизмларни ҳисоблашда ЭҲМда ҳисоблаш дастурларини ишлаб чиқиш; машина ва механизmlарнинг кинематик ва динамик параметрларини аниқлашда ўлчов асбоб-ускуналаридан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- юритмаларни тузиш, узатмаларни кинематик ҳисоблаш, узатма, вал ва ўқлар, подшипниклар ва биримларни ишчанлик қобилияти бўйича лойиҳаловчи ва текширувчи ҳисобларни бажариш кўникмаларига эга бўлиш;
- лойиҳалаш ва унинг асосий босқичларининг мақсадлари ва вазифаларини аниқлаш; техникавий объектларнинг математик моделларини тузиш; АЛТни ҳар хил таъминлашни лойиҳалаш кўникмаларига эга бўлиш;
- механик ишлов бериш технологик жараёнларини лойиҳалаш, ўлчамлар занжирларини ҳисоблаш, технологик жараёнларнинг техник иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;
- ёнилғи, мой, совитувчи ва ишчи суюқликларни танлашни, уларнинг хоссаларини билиш ва уларни аниқлаш кўникмаларига эга бўлиш;
- ички ёнув двигателларидан унумли фойдаланиш, уларга ва уларнинг электр ва электрон жиҳозларига техникавий хизмат кўрсатиш ва созлаш кўникмаларига эга бўлиш;
- ички ёнув двигателларининг иссиқлик ва динамик ҳисобини бажариш ва уларни таҳлил қилиш; ИЁДлари характеристикаларини олиш кўникмаларига эга бўлиш;

- ўкув жараёнини мөнгөрийн хүжжатлар асосида ташкил қилиш, машғулотларни режалаштириш ва замонавий информацион ва педагогик технология ва воситалардан фойдаланиб амалга ошириш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш күннекмаларига эга бўлиш.

## **Библиографик маълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўкув режа ва ўкув дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўкув даври, энергия машинасозлиги, ички ёнув двигателлари, малака талаблари, бакалавриатнинг ўкув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўкув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАФИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Ислом Каримов номидаги  
Тошкент давлат техника университети

Ректор  проф. С.М. Турабджанов

2021 йил « 22 » 08



М.Ү.

“UzAuto Motors Powertrain” АЖ

Бош директор  С.М. Гулямов

2021 йил « 22 » 08



КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор


технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  М. Эсонов

2021 йил « 23 » 08



“Автосозлаш” КТБ

Директор  Ш.Дж. Урисов

2021 йил « 24 » 08



Тошкент давлат транспорт  
университети

Ректор  О.К. Абдураҳмонов

2021 йил « 23 » 08



“Агрегат заводи” АЖ

Бош директор в.б.  Б.К. Аюбов

2021 йил « 24 » 08

М.Ү.

